



Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 33 (13.880)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЁРДАМЧИСИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни Ўзбекистон – АҚШ сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элис Уэллсни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган икки томонлама муносабатлар изчил ривожланиётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил май ойида Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи стратегик шериклигининг янги даврини бошлаб берган тарихий воқеа бўлгани қайд этилди.

Турли даражаларда фаол мулоқот олиб борилмоқда, томонлар учун манфаатли йўналишлар бўйича кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Шу маънода, долзарб масалалар ва икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама қилиш учун сиёсий маслаҳатлашувлар механизмидан янада самарали фойдаланиш мумкинлиги таъкидланди.

АҚШнинг етакчи компания ва банклари билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий-технологик ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили октябрь ойида АҚШ савдо вазири У.Россининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида илк бор ташкил этилган Америка бизнеси ҳафта-

лигини ўтказиш амалиётини давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликка фаол жалб қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Элис Уэллс Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ва Давлат котиби Майкл Помпеонинг саломини етказди.

Америкалик дипломат Ўзбекистон пойтахтида сиёсий маслаҳатлашувларнинг еттинчи давраси муваффақиятли ўтказилганидан мамнунигини билдирди.

Меҳмон Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва давлат бошқарувини тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юксак баҳолади.

АҚШнинг мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шериклики янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш борасидаги интилиши қатъий экани таъкидланди.

ЎЗА

ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ҳудудлар масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ҳудудлар фаровонлиги ва аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланган. Уларни самарали амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг фармонларига мувофиқ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди. Ҳудудлар ва тармоқларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини мутаносиб жойлаштириш Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш, корхона ва ташкилотларнинг экспорт фаолиятини мувофиқлаштириш Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Энди мазкур вазирликлар ўзаро мувофиқ ишлаб, бозор талаблари асосида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, ҳудудлар ва тармоқларни жадал ривожлантириш чораларини кўради.

Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари аксарият лойиҳалар инфратузилма кулай бўлган туманларга жойлаштирилиб, бошқа ҳудудлар эътибордан четда қолмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги 32 та туманда саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 3 фоизига ҳам етмаслиги танқид қилинди. Ушбу туманларнинг географик жойлашуви, хом ашё базаси, меҳнат ресурсларидан янада кенг фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги қайд этилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасига ҳар бир туман кесимида қазилма бойликлар захирасидан келиб чиқиб, уларни саноатлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини шакллантириш вазифаси кўйилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва саясий ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражадаги ўзаро ташриф ва музокаралар Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларини аниқ мазмун билан бойитди.

Тошкент ва Ашхобод шаҳарларида икки томонлама миллий кўргазма ва бизнес форумлари ўтказилгани, Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилгани, идораларо ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни ривожлантиришга хизмат қилди.

Мулоқотда Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш ва экологик фалокатнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қўрилаётган амалий чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Аваза шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммити муваффақиятли ўтказилган.

ни ҳамда Туркменистоннинг ушбу жамғармадаги самарали раислиги минтақа мамлакатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг Орол муаммосини ҳал этиш борасидаги саясий ҳаракатларига янги суръат бағишлагани таъкидланди.

БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ўз фаолиятини бошлагани ҳамда денгизнинг қурган тубида ўрмонлар барпо этиш юзасидан олиб борилаётган кенг қўламли ишлар юксак баҳоланди.

Шунингдек, бўлажак тадбирлар режаси, жумладан, жорий йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш тўғрисида фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош халқларимиз ва мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари Туркия Президентини тугилган куни билан самимий табриклаб, эзгу тилақларини билдирди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳажми жадал суръатларда ортмоқда. 2018 йил якунларига кўра товар айирбошлаш 40 фоиз ошди. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида инвестиция ва инновациялар, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, инфратузилма модернизация қилиш, туризм ва бошқа соҳаларда йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Туркия инвестициялари ишти-

рокида 655 қўшма корхона фаолият юритмоқда, уларнинг 270 таси ўтган йили ташкил этилган.

Маданий-гуманитар алмашув кенгайиб бормоқда, туризм соҳасида ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Кейинги бир йилда мамлакатимизга ташриф буюрган туркиялик сайёҳлар сони 2 баробар кўпайди.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда олий даражада эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш мумкинлигини қайд этдилар.

Мулоқот сўнггида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги стратегик шериклики янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга ҳар томонлама қўмақлашишга тайёрлик яна бир бор таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий образини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, қўрилаётган чораларга қарамастан, мамлакатда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими мавжуд эмас.

Мазкур ҳолат халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар билан тизимли ҳамкорлик алоқаларини

ўрнатиш, масъул вазирлик ва идораларда баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибасини ўз ичига олган тегишли маълумотлар базасини, ходимларда эса халқаро рейтинглар методологиясини қўллаш бўйича дунёқарашни шакллантириш имконини бермаёпти.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Дунё халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш, маданиятлараро мулоқотни кучайтиришга қаратилган эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан мусиқа оламининг йирик форуми сифатида эътибор этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг нуфузини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини (кейинги ўринларда Фестиваль деб юритилади) **ўн иккинчи март 2019 йилнинг 26-30 август кунлари** ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

II ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек миллий мақом санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, унинг ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро микёсда кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятида мақом санъати нуфузини янада ошириш, шунингдек, навбатдаги Халқаро мақом санъати анжуманига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий

лий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391-сонли қарори билан Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган **Халқаро мақом санъати анжуманини** (кейинги ўринларда Анжуман деб юритилади) **иккинчи март 2020 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида** ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг таклифи маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни баҳолашнинг яхлит ва мустакил тизимини шакллантириш, шунингдек, республиканинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизимини (кейинги ўринларда – Миллий мониторинг тизими) яратиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Бошқарув сифати ва сиёсатнинг самардорлигини ўлчаш, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар жараёнини баҳолаш, тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари Миллий мониторинг тизимининг таркибий қисми этиб белгилансин.

2. Миллий мониторинг тизими фаолиятини ташкил этишнинг дастлабки босқичи сифатида республикадаги тадқиқот институтларига алоҳида халқаро рейтинглар иловага мувофиқ бириктирилсин ва уларга қуйидаги вазифалар юклансин:

халқаро рейтингларнинг методологик ва бошқа таркибий қисмларини аниқлаш, уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги дастлабки баҳолаш бўлаётган асосий омилларни аниқлаш;

ўзини ўзи баҳолаш учун устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари асосида миллий индексларни ишлаб чиқиш; лойиҳалар ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтиришга тўққинлик қилаётган нормаларни аниқлаш нўхтани назардан экспорт-маълумотлар базасини яратиш;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли рейтинглардаги ривожланиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек, баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўз ичига олган ахборот-маълумотлар базасини яратиш;

Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга тўққинлик қилаётган мавжуд ҳақиқий муаммоларнинг тизимли таҳлилини олиб бориш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро ташкилотлар, рейтинг агентликлари ва илмий муассасаларнинг экспертлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва конструктив мулоқотни йўлга қўйиш; тегишли тармоқлардаги муаммоларни аниқ-

лаш ва аҳолини ўрганиш учун ижтимоий сўровлар ўтказиш, шунингдек, мамлакатда кенг қўлланма ислохотларни амалга ошириш доирасида турли соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришлар тўғрисида жамоатчилик ва халқаро рейтинг агентликларини хабардор қилиш.

3. Кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қониқиб даражасини ҳамда уларнинг ходимлари касбий маҳоратини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг "давлат хизматларининг сирли мижози" институтини жорий этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

4. Белгилансинки: "давлат хизматларининг сирли мижози" институтидан фойдаланиш доирасидаги чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилади;

"давлат хизматларининг сирли мижози" институтидан фойдаланишда ҳуқуқбузарликлар ва ваколатни суиистеъмол қилишга ундовчи усуллари қўллаш тақиқланади;

"давлат хизматларининг сирли мижози" институтини таъмир қилишга алоҳида аниқлаштириш кулайлиги ва давлат органлари, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан давлат хизматларини кўрсатишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, ходимларнинг профессионаллиги ва тежорлиги, уларнинг аҳоли билан муомала қилиш этикети даражасини баҳолайди;

маълумотларни йиғиш учун ҳақиқий "мижоз" кўринишида мониторингнинг амалга оширувчи ходимлар ва бошқа шахслар ("сирли мижозлар")дан фойдаланилади;

"сирли мижоз" томонидан мониторинг нафақат бевосита объектларга ташриф буюришлар, балки мониторинг амалга оширилаётган давлат хизматларига қараб бошқа воситалар (телефон кўнгиноқлари, электрон почта орқали мурожаат қилиш ва бошқалар) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин;

"давлат хизматларининг сирли мижози" мониторингини натижалари шайхон бўлмаган шаклда расмийлаштирилади ҳамда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун тегишли давлат хизматларини кўрсатидиган вазирлик ва идораларга мажбурий тартибда кўриб чиқиш учун тақдиминома юборилади;

"давлат хизматларининг сирли мижози" мониторингини натижалари тегишли давлат хизматларини кўрсатидиган вазирлик ҳамда идоралар ходимларини жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайдиган тавсияларни кўрсатишга эга бўлади;

"давлат хизматларининг сирли мижози" институтини фаолиятини юритиш билан боғлиқ харажатлар Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Савдо-саноат палатаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул бўлган бошқа вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар Интернет тармоғида қуйидагиларни ўз ичига олган "Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда" ягона порталини яратсин:

халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботлар, шунингдек, ҳисоботларни ўрганиш ва эълон қилиш мuddатларини кўрсатган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича ишлар аҳолини яхшилашга қаратилган халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг тавсиялари;

халқаро рейтинглар индикаторлари бўйича хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасига оид ахборотлар;

тегишли рейтинглар йўналишлари бўйича жамоатчилик фикри сўровномалари, шунингдек, ижтимоий ва илмий тадқиқотлар натижалари; халқаро рейтинглар саволномалари шаклида ҳар бир индикатор кесимида тўлиқ ва аниқ маълумотлар, шу жумладан, статистик маълумотлар;

тегишли рейтинглар бўйича турли ижтимоий сўровларни ўтказиш имконияти; тегишли халқаро рейтинг методологияси бўйича онлайн ўқитиш ресурслари; респондентлар томонидан жойларда қонунчилик ва ҳуқуқий қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни тақдим этиш имконияти.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда" ягона портали фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янгиллаш бўйича масъул орган этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик, идоралар ва тадқиқот институтлари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги маълумотлар, зарур статистик ахборотлар ва бошқа материалларни тақдим этишни таъминласин.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул ва-

зирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари раҳбарлари "Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда" ягона порталида эълон қилинадиган ахборотларнинг ишончилиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

6. Алоҳида рейтинглар учун масъул бўлган тадқиқот институтлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасига асосланган тегишли рейтинглар методологиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминласин;

2019 йил 1 майга қадар тегишли рейтингда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши тенденциялари ҳақидаги маълумотларни, баҳоланаётган йўналиш бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўз ичига олган ахборот базасини шакллантирсин;

2019 йил 1 июнга қадар вазирлик ва идоралар ходимларини баҳолаш методологияси билан таништириш, уларда рейтинглар билан ишлаш қўшимчаларини шакллантириш бўйича семинар-тренингларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ташкил қилсин;

икки ой мuddатда халқаро рейтингларни тузувчилар, шунингдек, халқаро рейтингларга алоқадор бошқа халқаро, илмий-тадқиқот, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш масаласини кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадқиқот институтларига ҳамкорликни йўлга қўйишда ва грантлар, шу жумладан, хорижий грантларни жалб этишда ҳар томонлама қўмақласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар:

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги ўрнини, шу жумладан, тадқиқот институтларини маълумотлари ва ўрга-

ниш натижаларини ҳисобга олган ҳолда яхшилаш бўйича ҳар йили "Йўл хариталари" ишлаб чиқишнинг таъминласин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича "Йўл хариталари" лойиҳаларини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотариот ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга тўққинлик қилаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотларнинг натижалари тўғрисидаги ахборотни, жумладан, субсидиялар, грантлар ажратиш ҳамда ижтимоий буюртмалар бериш орқали халқаро рейтингларни тузувчиларга етказиш борасидаги ишларга фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой мuddатда "давлат хизматларининг сирли мижози" томонидан мониторинг ўтказишнинг аниқ мақсадлари, параметрлари, объектлари ва мезонларни назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда халқаро рейтинглар индикаторлари доирасида ўтказилаётган ислохотлар тўғрисидаги ахборотларнинг оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида тушунтирилишини таъминласин.

11. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўшб қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 25 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда)

2. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) таркибий иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда Фестивални ўтказиш тўғрисидаги нозимни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов) Фестивални 2019 йилда юқори савияда ўтказиш мақсадида:

икки ҳафта мuddатда "йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2019 йил 1 апрелга қадар Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметасини тасдиқласин;

Фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бош дирекцияси Фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Фестивалга маҳаллий ва хорижий давлатлардан мусиқашуно олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлари таклиф этиш чораларини кўрсин;

Фестиваль доирасида "Шарқ халқлари аънавий мусиқа санъатини ривожлантириш истикболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиши, унда хорижий ва маҳаллий таниқли мусиқашуно олим ва мутахассислар ҳамда тадқиқотчиларнинг ўз мазруралари билан иштирок этишларини таъминласин;

Фестиваль нуфузини янада ошириш, дунё ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон мусиқа маданиятига жалб қилиш мақсадида Фестиваль доирасида хорижий мутахассислар иштирокида махсус давра суҳбати, тақдимот ва маҳорат дарсларини ўтказсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Фестивалга тайёргарлик кўриш доирасида 2019 йил 1 июнга қадар: халқаро илмий-амалий конференция дастурини; Фестивалда иштирок этадиган хорижий ва маҳаллий мусиқашуно олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини; Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийини ҳамда бадий дастурларини;

Ўзбекистон Бадий академияси, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюмаси билан биргаликда Фестивалнинг логотипи ва совиндорлар учун бериладиган хайкалчаси лойиҳасини ишлаб чиқиш, Ташкилий қўмитага тасдиқлаш учун киритсин.

8. Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ташкилий қўмита томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қуйидаги тартибда:

70 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг харажатлар сметасида маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳар йили назарда тутилмаган бюджет маблағлари доирасида;

30 фоизи – Самарқанд вилояти маҳаллий бюджет, ҳомийлик хайрия маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қoplanди.

9. Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2019 йил 20 июлга қадар Самарқанд шаҳрида ободонлаштириш ва кўчаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши, Фестиваль ўтказиладиган саҳна ва майдонлар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд шаҳри телекоммуникация тармоқларини Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш талабларига мослаштириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Фестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Маданият вазирлигининг виза талабномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда қонсулик ва бошқа йўналишлари учун қўрилган расмийлаштирилишини таъминласин.

12. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бош дирекцияси хорижий давлатлардаги халқаро санъат фестиваллари ташкилотлари ҳамда марказлари билан мунтазам равишда ижодий ҳамкорлик ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига 2019 йил 1 майдан бошлаб Фестивални кенг тарғиб этишга қаратилган ижтимоий реклама роликлари ва матнларини телевидение ва бошқа ахборот воситаларида жойлаштириш ҳамда Фестивални ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги уч ой мuddатда маданий ва санъат соҳасидаги халқаро фестиваль ва анжуманлари юқори савияда ўтказиш ва бундай тадбирларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги ПФ-103-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўшб қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

II ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги ПФ-3656-сонли қарори билан тасдиқланган Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитага қуйидаги вазифалар юклансин:

Анжуманга тайёргарлик кўриш ишларини 2019 йилнинг апрель ойидан бошлаш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўтказилиши режалаштирилаётган Анжуманнинг аниқ саналарини 2019 йилнинг декабрь ойига қадар белгилаш;

2019 йил 1 апрелдан бошлаб республика ва жаҳон миқёсида Анжуман тарғиботини ташкил этиш, унинг доирасида ўтказиладиган танлов шартлари ва илмий-амалий конференция мавзусини эълон қилиб бориш;

2020 йил 1 июнга қадар республикамиз ҳудудларида мақом ансамблларининг концерт дастурлари, "Еш мақом ижрочилари", басторкорлар ўрасида "Мақом йўлида яратилган энг яхши асар" каби номинациялар бўйича республика танловлари ҳамда таниқли мақомшуно олимлар, тажрибали мақом ижрочилари иштирокида ижодий учрашувлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиб бориш;

2020 йил 1 августга қадар Анжуман доирасида "Мақом санъатини ривожлантириш истикболлари" мавзусида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, Анжуманда иштирок этадиган хорижий ҳамда маҳаллий мусиқашуно ва мақомшуно олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар, фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш; Шаҳрисабз шаҳридаги Мақом музейини ўшб санъатга оид тарихий, илмий-ижодий манбалар, қадимий ва замонавий ҳолга асбоблари ва бошқа янги экспонатлар билан бойитиш чораларини кўриш;

Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ўзбек миллий мақом санъати маркази Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2020 йил 1 апрелга қадар Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Қашқадар вилояти ҳокимлиги; икки ой мuddатда Шаҳрисабз шаҳрида Анжумани ўтказиш учун зарур маданий инфратузилма иншоотлари ва ижтимоий объектлар барпо этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

2020 йилнинг 1 августига қадар Шаҳрисабз шаҳрида ободонлаштириш ва кўчаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши, Анжуман ўтказиладиган саҳна ва майдонларнинг талаб даражасида тайёрланиши;

2019 йилнинг декабрь ойига қадар белгилаш;

2019 йил 1 апрелдан бошлаб республика ва жаҳон миқёсида Анжуман тарғиботини ташкил этиш, унинг доирасида ўтказиладиган танлов шартлари ва илмий-амалий конференция мавзусини эълон қилиб бориш;

2020 йил 1 июнга қадар республикамиз ҳудудларида мақом ансамблларининг концерт дастурлари, "Еш мақом ижрочилари", басторкорлар ўрасида "Мақом йўлида яратилган энг яхши асар" каби номинациялар бўйича республика танловлари ҳамда таниқли мақомшуно олимлар, тажрибали мақом ижрочилари иштирокида ижодий учрашувлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиб бориш;

2020 йил 1 августга қадар Анжуман доирасида "Мақом санъатини ривожлантириш истикболлари" мавзусида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, Анжуманда иштирок этадиган хорижий ҳамда маҳаллий мусиқашуно ва мақомшуно олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар, фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш; Шаҳрисабз шаҳридаги Мақом музейини ўшб санъатга оид тарихий, илмий-ижодий манбалар, қадимий ва замонавий ҳолга асбоблари ва бошқа янги экспонатлар билан бойитиш чораларини кўриш;

Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ўзбек миллий мақом санъати маркази Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича буюртмачи этиб бел

Хабарлар

“СУЗУК ОТА” МАҲАЛЛАСИ
ФУҚАРОЛАРИНИНГ
МУРОЖААТИ ТИНГЛАНДИ

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида Шайхонтоҳур туманидаги “Сузук ота” маҳалла фуқароларининг шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев билан учрашуви бўлиб ўтди

Аҳоли суҳбат давомида курилиш ишлари муддати-дан анча ўтиб ҳам битмаётганини, ижара пули бир неча ойлар давомида ҳам тўланмаётганини таъкидлашди. Муурожаатлар тингланган, курилиш раҳбари ҳам ўша кундаёқ учрашувга чакиртирилди. Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ушбу фуқаролар тақдирига лоқайдлик билан қараган мутасаддига нисбатан қаттиқ огоҳлантириш берилди.

Шу билан бирга ижара масаласидаги муурожаат ҳам эътиборсиз қолмади. Ушбу муаммо ҳокимлик кўрсатмаси асосида бартараф этилиб, шу кундаёқ уларга ижара пуллари берилди.

Шунингдек, турар-жой масаласи билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳамда мазкур уй билан боғлиқ ўз тасдиғини топмаган маълумотларга ҳам ойдинлик киритилди.

Учрашув сўнггида курилиш раҳбари аҳолига 7 қаватли уйлар март ойининг сўнггида, 12 қаватли уйлар эса июль ойида топширилишини таъкидлади.

ХУРМАТЛИ
ҲАМШАҲАРЛАР ВА
ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар ИИБ ЙҲХБ ташаббуси билан Юнусобод тумани, Амир Темур кўчасида аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида автотранспорт воситалари учун қўшимча қайрилиб олиш жойи очилди.

Ушбу майдонча Амир Темур кўчаси, Молия институти биносининг асосий дарвозаси олдида очилган.

Янги қайрилиб олиш жойининг очилиши, аввал мавжуд бўлган тирбандликларнинг қисман қайтарилиши имконини беради.

БАҲОР МАВСУМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК

Кўкаламзорлаштириш — кўп жиҳатли эътиборли ёндашувни, дарахтларнинг фақатгина ҳавони ксилород билан тўйинтирувчи турларини танлашни талаб этадиган жараён.

Бундай дарахтлар сирасига қарағай, қорақарағай, дуб, кайрағоч, каштан ва қайинлар кирди. Инсон саломатлиги ва экологияга салбий кўрсатувчи дарахтлардан эса воз кечиш лозим.

Ҳозирда пойтахтда 220 дан ортик меваги ва манзарали дарахт тури экилган. Жорий йилда яна софора, каштан, чинор дарахти, дуб, лола ва бошқа манзарали дарахтлар экилиши кутилмоқда. Буталар орасидан форзициялар, япон бехиси, магнолия, сурия атиргули ва бошқа гуллаш даври бўйича бир-бирининг ўрнини босувчи ўсимликларни экиш маъқул деб топилди. Пойтахтнинг марказий ва бошқа кўчаларини баҳор мавсумида лолалар, виолалар, тагетис ва салвиялар безаб туради.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мегаполисни кўкаламзорлаштириш бўйича сўнгги ташаббусидан бири “Яшил тасма” лойиҳаси бўлиб, уни шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда амалга ошириш режалаштирилган. Яшил тасма Тошкент халқа йўли бўйлаб амалга оширилиб, 20 февралдан 20 апрелга қадар ва 20 октябрдан 20 декабрга қадар бўлган муддатда маҳаллий иқлимга ва камсувликка мослашган тез ўсувчи япрокчи ва арчалли дарахтларнинг экилиши кўзда тутилган.

Тошкент ландшафтнинг бойитиш ва иқлим шароитларига мос келувчи нуфузли дарахт турларини ўстириш билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг ботаника боғи, ўрмон хўжалиги мутахассислари ва хусусий тадбиркорлар шугулланмоқда. Хусусан, пойтахтдаги “Манзарали боғдорчилик ва гулчилик” корхонаси пойтахтнинг кўп қатли боғ ҳудудларини безаб турган ноёб манзарали дарахтлар, гуллар ва буталарни кўпайтириш билан шугулланади. Корхона мутахассислари томонидан крим қарағайи, лола дарахти, ҳинд настари-ни каби дарахтлар бизнинг иқлимга мослаштирилган. Бундан ташқари, 28 та энг камёб ва ноёб ўсимлик тури давлат томонидан қўриқланади. Уларнинг ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, ҳозирда ўсимликлар етарли ўлчамларга эга бўлган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати



Ёшлар – келажакимиз

ИСТИҚБОЛЛИ ЭРТАМИЗ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида “Таълим муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” мавзусида тарғибот тадбири ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази бошлиғи Б.Исмаилов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг таянч докторанти Б.Исмаилов коррупциянинг жамиятимиз ривожланишига сиёсий ва иқтисодий таъсири, бу борада давлатимиз томонидан кўрилатган чоралар, коррупциядан холи жамиятга сиёсий билим ва ҳуқуқий маданиятни янада ошириш орқали эришиш имконини, бу иллатни тозалаш ишларида ҳамма ҳамжihatликда бирлашиб курашиши, қонун талабларига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилиш лозимлиги, аниқланган коррупцион жиноятлар ва уларга қўрилган қонуний чоралар борасида сўз юритиши.

Шунингдек, тадбирда мазкур институтнинг матбуот котиби У.Мардонов ва психолог Т.Сатторов коррупциядан холи жамиятни шакллантириш учун биринчи навбатда юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада шакллантириш, кишиларда коррупцияга нисбатан руҳиятни тарбиялаш, бу борада ҳуқуқий билимларни янада ошириш зарурлиги ҳақидаги фикрларини билдирди.

Коррупцияга қарши олиб борилаёт-

ган ушбу тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга, жамият тараққиётига болта урадиган ушбу иллатни бартараф этишга кўмаклашиш, коррупцияга қарши курашиш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши даражасига кўтарилганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Коррупциядан холи жамиятни шакллантириш учун биринчи навбатда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришимиз ва коррупцияга нисбатан мурасиз курашиш руҳиятини тарбияласакки янги натижага эришишимиз мумкин, аксинча ҳуқуқий билимларни бойитмас эканмиз бу иллат жамиятимизда илдиэ отаверади, ҳар қадамда ҳар бир бошлаган ишимизда тўсиқ булаверади, – дейди Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзамўминов. – Мазкур тадбир асосида барчанингдан шунини сўрадимки – пора берманг ва олманг, қўзлаган мақсадингизга фақат ҳалол йўл билан эришишга уриқинг, токи натижага эришмагунча чекиманг...

Халқни давлат ҳокимияти органа-

рига бўлган ишончи, шу давлатнинг тараққиётига хизмат қилади. Агарда давлатда коррупция мавжуд бўлса, халқ давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига ишонсизлик билан қарайди.

Бугунги кунда олий ўқув юр்தлари қабул жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, таълимдаги коррупция ва порахўрликнинг олдини олишга ҳам астойдил киришилди, натижада соҳадаги изоҳотлар сабаб вазият тубдан ўзгарди, кимнинг билими, қобилияти, салоҳияти бўлса ўша одам ўқийди, деган тамойилга амал қилина бошланди. Шу боис эндиликда таълимдаги коррупцияни таг-томири билан йўқ қилишга астойдил киришилди. Бу борадаги дастлабки қадам тест имтиҳонларини топширишни тартибга солиш билан бошланди. Фақат бу жараёнда сиздан кўз ўнгингизда олдий бўлиб қўрилган кичик бир хато ёки хиёнат катта йўқотишларга олиб келиши мумкинлигини ҳеч қачон унутмасдан, ҳушёрлик ва масъулият билан ёндашишни талаб этилади.

Тадбирда олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, факультет деканлари, декан ўринбосарлари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Қилмиш – қидирмиш

ОҚИБАТИ ЎЙЛАНМАЙ ҚИЛИНГАН ИШ

Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч нарса керак: диққат, интизом ва ҳаракат, деган эди алломалардан бири.

Орамизда айрим кимсалар борки, уларга бу ҳақда минг гапирма барибир ўзларини ўйлаганини тўғри, деб билишадди. Жамиятдаги тартиб-интизомга қўл силтаб, ўзи билганича иш тутганидан охири-оқибат пушаймонликда қолади. Фикрларимиз яқинда бўлиб ўтган суд мажлислари мисолида тасдиғини топандек бўлди. Фарҳод (исмлар ўзгартирилган) ана шу кимсалар тоифасидан бўлиб чиқди. У 2018 йилнинг 25 август куни соат таҳминан 20:00 ларда Сергели туманида жойлашган “Грин парк”нинг ёнида Жобирни учратиб қолади. Қараса у қаттиқ асабий, телефонда ким биландир сўзини билгалашаяпти. Ундан нима бўлаётганлигини сўрайди. Билсакки, телеграмм орқали Миркомил исмли бола билан чиққан тортишув тўғрисида жамлашаётган экан. Шундан сўнг Фарҳод воқеага аралашади. Миркомилга телефон қилиб, ақлини киргизиб қўймоқчи бўлади. Қаттиқ асабий ҳолатда бўлган Миркомил эса тортишув, бақир-чақир вақтида Фарҳодни ҳақорат қилганини билмай қолади.

Ўзини ноҳақ ҳақоратланганидан аламзада бўлган Фарҳод Миркомилни ерни тағидан бўлса ҳам топиб ҳисоб-китоб қилиб олиш пайига тушади. Уни телеграмм каналидан расмини кўрсакки, бола таниш экан. Эртаси кун Сергели туманида жойлашган “Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари” бозорига кўрганлигини эслайди. Шундан сўнг, у ақаси Жаҳонгир билан биргаликда Миркомилни излаб автомашина бозорига боришади. У ерда ўхшатмас учратмас деганларидек, орқа олдини ўйламай иш қиладиган яна бир бебоз таниши Алени учратиб қолади. Унга бўлган воқеани айтиб беради. Шундан сўнг учаласи биргалашиб, Миркомилни қидиришга тушади. Уни қидириб-қидириб вақтида таниши Ботирни учратиб қолганлигини, шундан сўнг тўртовлон Миркомилни топиб, уни жазоламоқчи бўлади.

Миркомил Фарҳоддан кечирим сўрайди. Ўзаро тортишувга Миркомилнинг амакиси Мурод, отаси Малик ҳам аралашади. Амаки жияни номидан ота эса ўғли учун кечирим сўрайди. Лекин безорилар бунга қаноат қилишмайди. Жазавига тўшиб Миркомилни ўлдириш билан оқиқасига таҳдид қила бошлайди.

“Кани чик ташқарига эркакмисан? Қаллангни сапчидек узиб ташлайман! Гапинга жавоб берадиган пайт келди. Қани бўлақол ўғил бола. Шунчалик зўр экансан, бир ҳисоб-китоб қилиб олайлик”.

Бундай бақир-чақирлардан ён-атрофда одам тўплана бошлайди. Шу пайт воқеадан хабар топган Мурод жиянини би-

роз қизишиб кетганлигини тушунириб, тушунмовчилик учун унинг номидан кечирим сўрайди. Фарҳод эса жиянини кўчага чиқишини, у қани билан жавоб беришини айтиб жаврашдан тўхтамайди.

Шундан кейин Мурод уларни муросага чақиршига уриниб ланг-насихат қила кетади. Оқибатини ўйламай қилаётган ишидан пушаймон бўлиб қолиши мумкинлигидан огоҳлантиради.

“Қўй, ука бу шаштингдан қайт. Жияним билмай қилиб ҳақорат қилиб қўйибди. Бизга қўйиб бер, ўзимиз танобини тартиб қўямиз. Мана отаси ҳам сўз бериб айтаяптики, кечирим сўрада ҳам. Отанг тенги одамни ҳурмат бординг, ахир?! Эзди-ёздига айланиб кетмасин энди. Ўзизга ўрталарингизга жабр қилма, ҳамма олдидан қонун-қоидага бузиб ўтирибсан, гагга кир, тарқалишайлик бўлди”.

Шундан сўнг Фарҳод бир фурсат жим бўлади. Гапирим таъсир қилди, деб ўйлаган Мурод уни жанжал қилмаслигига ишониб қолади. Шу боис, ўз ишларини давом эттиришга ўтиб кетади.

Лекин уларни аслида одам қиёфасидаги махлук тўда эканини билмаган эди. Чунки орадан таҳминан 10-15 дақиқа ўтган, яна бақир-чақир овоз эшитила бошлади. Мурод дарҳол ортга қайтиб келади. Қарасакки, жиянини тўрт киши аёвсиз дўппослапти. Мана шу пайт Миркомилнинг оёқ қисми Ботир пичок санчиб олади. Бу орада Маликнинг сонига ҳам икки марта пичок уришга улгуради. Нималар бўлаётганига тушунмай қолган Мурод довлариб қолади. Уни аҳолидан фойдаланган Ботир Мурод оёғига пичок санчиб олади.

Воқеалар шу зайилда яқун топганидан хурсанд бўлган тўртовлон тўрт тарафга қочиб қолишади. Лекин бузоқнинг юргани сомонхонагача, деганларидек улар қонун таъкибидан қочиб қутула олмади.

Жамиятдаги мавжуд тартиб-интизомни писанд қилмаган судланувчилар охири-оқибат суднинг қора курсисидан жой олди. Хайриятки, кимдир бевақф ҳаётдан қўз юмлади. Лекин, афсуски, орамизда мана шундай кимсалар тез-тез учраб туради.

Сўнгги сўз ўрнида ана шу тоифа шахсларга айтар сўзимиз бор албатта. Хар бир босилган нотўғри қадам охири-оқибат инсоннинг бошини эгшига мажбур қилади. Зеро, қилмиш – қидирмиш, деб беҳиз айтишмаган.

Баҳодир ЮСУПОВ,
жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг судьяси

Реклама ва эълонлар

“Утепа тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Утепа тумани, Истироҳат 3-тор кўчаси, 12-уй учун Аббаров Бахтиёр Сайфуллаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 75-сонли мактаб томонидан 2002 йилда Каримова Латофат Абдугафуровна номига берилган О’Р-З №1416248 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан ўтган “Saidaxmatov Abdufotib Faxriddinovich” яқна тартибдаги тадбиркорнинг бурчак штамли йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат иқтисодий университетининг томонидан 21.08.2017 йилда Аликулов Абдуқарим Абдуқамалович номига берилган В № 028309 рақамли (1965-рўйхат рақамли) имтиёзли бакалавр дипломи ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шимолий Олмазор кўчаси, 10-уйда жойлашган “Ўзсаноатқури-лишбанк” АТБ Олмазор филиали биносининг фасади ва том қисмида реконструкция ишлари олиб борилиши муносабати билан ушбу ишларни бажариш бўйича қурилиш ташкилотлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шимолий Олмазор кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (0371) 248-87-37, 248-78-80.

Нархлар кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона мўҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб **7 кун** муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент автомобиль йўллари касб-хунар коллежи томонидан 2017 йилда Нишонов Илҳомжон Хомитдҷон ўғли номига берилган К № 4879980 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан 2013 йилда Мамадиев Фазлиддин Исмоил ўғлига берилган № 0696 рақамли рейтинг дафт-рчаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилояти Фаллаорол туманида Президентимизнинг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори ижросига бағишланган минтақавий тадбир ўтказилди.

● Андижонда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳридаги касб-хунарга ўқитиш марказида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан ташкил этилган касб-хунарга ўқитиш марказлари талабалари ўртасида касблар бўйича мусобақа ўтказилди.

● Гулистонда “Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти” кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида ўтказилган “Aero India – 2019” авиашоусида содир бўлган ёнғин оқибаотида 300 та транспорт воситаси ёниб кетди. Елаханка аэродроми ёнидаги автотураргоҳда ёнғин чиқиб, автобус, енгил машина, мотоцикл ва скутерларни қамраб олган. Ёнғинга кимдир сигаретани учирмасдан қуруқ ўтга ташлагани сабаб бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.

● Тадқиқотчилар АҚШ ғарбида Шимолий Америкадаги энг митти – ит катталигидаги тиранозавр қолдиқларини топишди. Жажжи динозаврнинг оғирлиги 87 килограмм бўлгани тахмин қилинган. Танасининг узунлиги – 1,2 метр. Олимларнинг гапига қараганда, бу динозавр бугу ёки йиркидан ит катталигида бўлган.

● Лос Анжелесда анъанавий “Оскар” киномуқофоти голибларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. “Яшил китоб” – йилнинг “Энг яхши фильми” деб топилди. Мексикалик Альфонсо Куарон оқ-қора тасвири “Рома” фильми учун “Энг яхши режиссёр” деб топилди. “Энг яхши эркак роли” номинациясида актёр Рами Малек “Оскар”ни қўлга киритди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Пойтахтимизда узунлиги 1,2 километрни ташкил этадиган яна бир янги сайилгоҳ ташкил этилади. Ушбу сайилгоҳ Наврўз байрами ардасида фойдаланишга топширилади.

● Чилонзор туман “Оила” марказида маҳалла ёшлари билан ўтказилган давра суҳбати “Эрта никоҳ”, “Эрта туғруқ”, “Соғлом оила – соғлом жамият” деб номланди.

● Тошкент Ахборот технологиялари университетида “Mirzo Ulug’bek Innovatsion Centre” инновация маркази ташаббуси билан “ROBO CODERS 2019” танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

● “International House-Tashkent” академик лицейида Ўзбекистон экологик партияси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудий бўлиналарининг конференцияси бўлиб ўтди.

● Учтепа туманидаги 123-умумтаълим мактабида “Ёшлар – келажакимиз” мавзусидаги тадбир Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши томонидан ташкиллаштирилди.

● ИИБ Ёнғин хавфсизлиги институтида “Ҳаётини фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар” мавзусида биринчи республика ёш олимлар илмий-амалий анжумани ўтказилди.

● Мирзо Улуғбек туманидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида олий ўқув юр்தлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлиги доирасида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Спорт



БИЗ – ВАТАНПАРВАРЛАРМИЗ

Мирзо Улуғбек туманидаги 275-умумтаълим мактабида Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ҳамда ихтисослаштирилган ўқув маркази билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбир ўтказилди.

"Биз ватанпарварлармиз!" широри остида ўтказилган тадбирда спортнинг модели ва амали турларидан эркин учувчи, хона ва ракетта модели турлари бўйича мураббийлар томонидан маҳорат дарси ўтказилди. Тадбирда ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, унда мамлакат суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича бурч туйғусини шакллантириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, меҳнат-

га масъулиятли муносабат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини сингдириш мақсадида "Ватанпарвар" ташкилоти ва Курол Кучлар академияси томонидан тайёрланган видеороликлар намойиш этилди. Ёшлар ўртасида давра суҳбати ўтказилиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Тадбир сўнггида иштирокчиларга "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан совғалар берилди. **Зиёда РАСУЛОВА**

ТЕНГ РАҚОБАТДА КЕЧГАН ЎЙИН

Футбол... Бу сўзга кўзимиз тушар экан мухлислар ҳайқирғи, футболчилар шижоати, кимнингдир бахтли онлари ва кимлар учундир аламли дамлар кўз олдимизда гавдаланади. Шу сўз остида салкам бир ярим асрлик тарих мужассам. Шунчалик даражада бизни ўзига боғлаб қўядики, вақти келиб йиғлашга ҳам мажбур қилади.

Дунёда нима кўп, спорт турлари кўп. Лекин улар орасида футбол ўйини ўзининг жозибаси билан алоҳида ажралиб туради, бу ҳақиқат. Майли, болалик вақтларида, барибир умрида бирор марта футбол ўйнамаган ёки футбол томоша қилмаган инсонни учратиш мушкул. Ўзбекистон иқтидорларга бой давлат. Болалар футболини ривожлантирмай туриб, юқори савиядаги катталар футболга эришиб бўлмайди. Кун кеча пойтахтимиздаги 30-сонли Меҳрибонлик уйида футбол бўйича шаҳар босқичи ўтказилди. Мазкур чемпионатда мезбонлар 22-

сонли ҳамда 23-сонли Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди. Финалга тенг ўйин 22-сонли ҳамда 23-сонли Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида бўлиб ўтди ва 23-сонли Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган футболчиларнинг кўли баланд келди. Баҳс ва мунозараларга бой бўлган, тенг рақобат остида кечган ўйин 1:0 ҳисобида туғади ва шаҳар босқичи чемпионлари Жиззахга йўл олдилар. Мезбонлар 23-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 4:0 ҳисобида ўйинни бой берган бўлсалар, 22-сон-

ли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 5:0 ҳисобда мағлуб бўлдилар. Тадбир сўнггида иштирокчилар болалар футболга катта эътибор қаратилган ҳеч кимга сир эмас. Бугунги болаларимиз – эртанги келажагимиз. **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши Матбуот хизмати**

Бу қизиқ!

СУТЛИ ШОКОЛАД ТАРИХИ ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Марказий ва Жанубий Америка шоколад ватани ҳисобланади. Узоқ вақт давомида европалар бу ичимликнинг мавжудлиги ҳақида билишмаган. Майя ҳиндулари какао донларини сув билан аралаштириб, ҳосил бўлган коктейлни ичишган. Бу ичимлик аччиқ ва совуқ бўлиб, замонавий сурак, иссиқ шоколадга умуман ўхшамасди.

Шоколадни татиб кўрган илк европалар Америкага 1519 йилда ташир буюрган Эрнан Кортес бўлди. Натигада шоколад рецептини қадимий дунёга олиб кетди. Ўзгача таъмидаги ичимлик тўғрисидаги гап-сўзлар бутун қитъа бўйлаб тез тарқалди. Бироқ етказишдаги қийинчиликлар туфайли (тасаввур қилинг, елканли кемаларда Америкадан Европага какао донларини олиб бориш қандай меҳнатни талаб қилган) фақат юқори қатлам вакилларига уни истеъмол қилиш имкониятига эга эдилар.

1687 йилда инглиз Ганс Слоан Ямайка қирғоқларига борди. Унинг асосий касби даволаш эди, бироқ бундан ташқари, янги ўсимлик, ҳайвон турлари ва маҳаллий аҳоли маданиятини ўрганиш билан ҳам шуғулланарди. Табиийки, оролда қаҳва донларини татиб кўрди ва ҳиндуларнинг анъанавий ичимлиги билан танишди.

Бироқ кўпчилик европаларнинг фикрига қарши ўларок, Ганс сурак шоколади бемаза ва кўнгли айнайтидиган деб топди. Таъмини яхшилаш учун майдаланган какао донларини сут билан аралаштирди. Бундан ташқари, у истеъмол қилишдан аввал ичимликни иситарди, бу эса таъм хусусиятларини яхшиларди. Сутли шоколад, аниқроғи шоколадли сут рецептини Ганс Слоан ўзи билан Англияга олиб келди. У ерда ичимликни дарҳол ёқиб қолди.

1872 йилда голландиялик Конрад ванн Гутен ҳозирги кунга қадар севиб ёйиладиган қаттиқ шоколадни тайёрлаш усулини кашф қилганига қадар сутли шоколад сурак ҳолда истеъмол қилинган.

ЧОЙ ҲАҚИДА ЭНГ ҚИЗИҚ МАЪЛУМОТЛАР

"Camellia sinensis" чой дарахти маъносини англатади. Албатта, унинг ўлчами одатий дарахтларга қараганда анча кичик, чунки барглари доимий равишда терилади. Ҳеч бўлмаганда 1 кг. чой тайёрлаш учун ҳаммида 4 кг. барг йиғиш керак бўлади. Таққослаш учун, ўртача ҳар бир йиғувчи кунга 30 кг. барг таради. Хитой, Хиндистон, Шри-Ланка – чойнинг ватани. Бироқ мустамлакачилар уни Африкага олиб келишга ҳам улгуришган. Эндиликда оммабоп маҳсулот бу ерда ҳам ишлаб чиқарилади.

Деярли XVII асргача Европа мамлакатлари бу ичимлик ҳақида билишмаган. Саломатлиги ҳақида доимий равишда қайғурган Людовик XIV сабаб пайдо бўлди.

Акинча, Карл II чой кенг тарқалмаслиги учун чой ишлаб чиқарувчилар ва сотувчиларни катта солиқларга тортган. Англияда чой севилиши ва машур ичимликка айланди. Айнисқа қора чой севиб истеъмол қилинади.

Қора чой ишлаб чиқариши қалбақлаштириш мушкул эди. Доимий равишда бунга қўл уришга уринишган. XVIII аср бошида Томас Твайнинг Лондонда чой савдоси билан шуғулланганидан савдо нуқтасини очигина қарор қилди. Айнан шу сабаб маҳсулот оммалашди.

XIX асрда ушбу ичимлик ҳар бир оила, ҳатто Буюк Британия армияси рациониди ҳам бўлган.

Турмуш чорраҳаларида

ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН КЎРАДИГАН ҚИЗ

Радиодан таралаётган маҳзун бир қўшиқ беихтиёр мени жойимга михлаб қўйди:

Зулмат ичра ўтар менинг туну куним, Мей ҳам сиздай кўргим келар ой-қўшни. Лек тақдирдан нолимасдан яшайман жим, Фарёд солиб тошга урмам азиз бошни. Шукр дейман оёқ-қўлим саломатдир Гар нолисам бу Худого маломатдир...

Шаҳарда яшайдиган Сарвиноз исмли қизни таниман. Мактабни 9-синфини тугатди, яна қайта ўқиш насиб этмади. Унинг кўзлари аввалига хиралашиб, сўнгра бутунлай кўрмай қолди. Оламнинг гўзаллигини кўриб юрган одам тўсатдан зулматга тушиб қолди. Еруғ дунёни кўролмаслик – даҳшат эди. Ота-онаси зир югуришиб уни қарда зўр табиб чиққан дейишса, ўша ёққа олиб боришди. Кўрсатмаган дўхтирию табиби қолмади. Дўхтирлар унинг кўзини очишда тиббиёт охирилик қилади, дейишди.

Афсуски Сарвиноз бу дунёнинг фусункорлигини қайта кўришдан маҳрум бўлди. Мен ўша дамда уни ҳаётга бўлган иштиёқини кучайтириш мақсадида чет эллик кўр мусикачининг ва "Эсмеральда" сериалидаги Эсмеральданинг ҳаётга бўлган курашини ва интилишларини гапириб берадим. Хайрият, ундаги тушқунлик кайфияти бироз бўлсада йўқолди. Яқинда эса у ҳаёт йўлига бир назар ташлаб шахло кўзларини мени кўраётгандек тикиб, бошидан ўтганларини баён қилди.

... Мен кўз очган дунё жудаям чиройли ва фусункор эди. Бочага чиққанимда ҳамма нарсига қизиқиб, аям билан дадамни кўп саволга тутардим. Аям мусика мактабидида ўқувчиларга рубоб ва дутор чалиш сирларини ўргатарди. Уйимизнинг тўрида дутор илиғлик турарди. Аям уйда йўқ пайтини пойлаб, ўзимча дуторни тингиллатиб чалардим. Бир кун аям иккита қизни олиб келди. Кейин улар биргаликда шунақанги дуторда чиройли куйларни чалишдики, беихтиёр уларнинг ўрнига мен бўлиб қолгим келди.

Улар ўтирган хонага боштириб кирдим. "Мен ҳам дутор чаламан!" дея тўп-тўп қилдим. Аям: "Хали сен дутор чалишин билмайсан. Бу қизлар танловга боришади. Шунинг учун тайёргарлик кўраёلمиз. Сен ахир нотани ҳам билмайсан-ку!" деди.

Мен эса қайсарлик билан: "Мен ҳам чалишин ўрганаман! Танловга ҳам бораман!" дея йиғладим. Эртаси куниеқ мусика мактабига бордим. Ўқиш билан бирга аямдан дутор чалиш сирларини беш йил мобайнида ўргандим.

Мусика олами менга завқ-шавқ бағишларди. Мактабдаги ашула ўқитувчимиз: "Сени жангдор овозинг бор, қўшиқ айтгин", дея шезлар таллаб беради. Мактабимиздаги барча байрам менинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлди. Мактабда менга "Дуторчи қиз" дея ҳавас билан қарашарди. Гўёки мен дуторимда бахтли болалигу ширин ҳаётимни тараннум этаётгандек эдим. 9-синфда ўқитганимда аямга "Тикувчи бўламан!" дедим. Аям дарҳол чеварга шогирдликка берди. Кейин эса зардўзликни ўргандим.

Тўсатдан кўзим шамоллаб қолди. Шифохонада ётдим. Гўёки даволангандек бўлдим. Афсуски ўша пайтда бу борлиқни сўнгги мартаба кўраётганимни англамабман. Тақдир синовими, билмадим,

кўзларим кўрмай қолди. Ўзимни кўярга жой тополмасдим. Зулматда қолган инсоннинг ҳолатини энди тушуна бошладим. Дадажоним олиб бормаган шифокору профессор қолмади ҳисоб. Аям эса: "Худого илтижо қил, нажот, сабр сўра, албатта, кўзларинг очилади", дея менинг кўзларим очилишидан умидвор қиларди. Бир йил вақт давомида ҳеч кимни эшитгим, кўргим келмасдан, хонамга биқиниб олдим. Гоҳида сиқилиб кетсам, дуторимни чалиб, қўшиқ айтардим. Дардларимни тўқардим. Дуторимда менинг оҳларим қолган.

Бир йилдан сўнг Ойгул холам Тошкентдаги имконияти чекланган қасб-хуна қоллежига олиб кетди. Бу ерда ўзимга ўхшаган, зулматда қолган ва кўзи заиф кўрадиган йигит-қизлар билан биргаликда брайлер ёзувини ҳамда тўқши сирларини ўргандим.

Курсдошим Қудратиллодан жудаям мамнунман. У Миллий университетнинг тарих факультетини тугатиб, Қашқадарёга — юртига кетди. У менга брайлер ёзувини ўзлаштиришда, ҳаётга қалб кўзи билан қарашга ёрдам берди.


Коллежни қизил диплом билан тугатдим. Ҳужжатларимни университетга топширишга борганимда, қабул қилишмади. Чунки мен кўзи охишлар мактабини тугатмагандим. Ўша йили Жиззах шаҳрида янги очилган кўзи охишлар ва заиф кўрувчилар мактаб-интернатида 10-11-синфларни ўқиб, аттестатимни олдим. 2007 йилда Ўзбекистон миллий университетининг фалсафа факультети психология бўлимига ҳужжатларимни топшириб, талаба деган бахтга мушарраф бўлдим. Мен аввалига кўриб, сўнгра зулматда қолган инсонлар хусусида "Кўзи охишлар психологияси" номли курс ишимни ҳамда "Орттирилган болалардаги эмоционал ҳолатларнинг ўзига хос хусусиятлари" хусусида диплом ишимни магистратурада ўз ўқишимни давом эттирдим.

Мен Консерватория, Педагогика университети, Маданият институти ҳамда ЎзМУда таълим олаётган кўзи охиш талабалар ўртасида ўтказилган "Мархабо талантлар" кўрик-танловига дуторда "Лола рақси"ни чалиб 1-ўринни, ўзим ўқитган психология бўлими талабалари ўртасида ўтказилган "Энг яхши курс иши"да "Орттирилган болалардаги эмоционал ҳолатларнинг ўзига хос хусусиятлари" хусусида ёзган курс иши бўйича 2-ўринни олишга муваффақ бўлдим. Университетни тугатгач, бормаган ташкилотим, мактабим қолмади. Ҳаттоки тегишли ташкилотларга, вазирликларга хат ҳам ёздим. Афсуски фойдаси бўлмади. Бирор жойга ишга жойлашолмадим. Турмушга чиқдим. Фарзандим уч ёшга тўлса яна иш топишга ҳаракат қиламан...

Сарвинозни етаклаб мен ҳам кўп бор ёрдам беришга уриндим. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Республика кўзи охишлар жамияти раисига хат ёзиб, иш сўрадик. Афсуски иш тополмадик. Бу муаммони кейинга сурдик. Фарзандини оёққа турғизса, унга албатта, ёрдам беришни дилимга тугиб қўйдим.

Бугун у оилали, ширингина қизалоқнинг онаси. Сарвиноздаги шижоатни, гайратни кўриб, тилим лол қолди.

Хонбиби МАҲАМОВА



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Халол меҳнатдан яхши фазилат йўқ.

Хамма нарсанинг асоси меҳнат.

Кўп гапирган кам ишлайди.

Муттаҳам меҳнат қилмай роҳат кўришни хоҳлайди.

Бекорчилик — ёмонликлар дояси.

Кўлидан иш келмаганинг баҳонаси кўп.

Имиллаганинг иши унмайди.

Ҳаракат ва меҳнат мақсад сари йўл очади.

Ишқмаснинг баҳонаси кўп бўлади.

Вақтнинг кўплиги — ишнинг йўқлиги.

Меҳнат қилиб пул топган ўйнабуқилиб совурмас.

Керакисиз меҳнат кераклик натижани бермайди.

Меҳнатдан қочмаган ютади.

Меҳнатнинг ўзи эмас, самараси муҳим.

Меҳнатдан бўлак мўъжиза йўқ.

Иштиёқ бўлмаса ҳаракат қаердан бўлсин.

Қилинган меҳнат зое кетмайди.

Иш ҳам ҳамиша меҳнаткашни излаб юради.

Иш билан енголмаган гап билан енгмоқчи бўлади.

Оқил одамнинг бўш вақти бўлмайди.

Ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракат — бахтга эришишнинг бундан бўлак йўли йўқ.

Меҳнат дардмандни овутади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 28 февраль кунини ҳаво ўзағиб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 13-15 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифросланиш даражаси паст бўлади.